

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 130 (6. 021) • 1986 йил 6 июнь, жума • Баҳон 3 тийин.



КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ-ҲАРАКАТИМИЗ ҚЎЛЛАНМАСИ

Қурилишлар ҳашарга чорлайди

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ ҲАММАНБАҲЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИ МУАЛЛИФЛАРИ ЁЗАДИЛАР

Ташаббус издошлари

ТОЛЪЯТТИДАГИ ВОЛГА АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ МЕХНАТЧИЛАРИНИНГ БУ ЙИЛ БУШ КУНЛАРИДА КАМИДА ТҮРТ КҮН КАСАЛХОНА, МАҚТАБ ВА МАДАНИЙ УЙЛАРИ ҚУРИЛИШИДА ИШЛАБ БЕРИШ ҲАҚИДАГИ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ ШАҲРИМИЗДА КҮН САЙИН ҚҮЛОЧ ЕЙМОҚДА.

Шаҳримизда бу ташаббусга биринчи бўлиб «Главташкентстрой»нинг 12-трестига қарашли 52-қурилиш бошқармасининг Назим Велиев бошлиқ бригадаси аъзолари қўшилишган эди. Бригаданинг илгор сувоқчиси Т. Барсукова Тошкент шаҳар партия комитетининг II пленумида сўзга чиқиб бригада номидан Тошкентнинг барча коммунистлари, меҳнатқашларини ушбу қимматли ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақирган эди. «Бу бизнинг партия сўзида қарорларга жамоланган бўлади», деган эди ушанда у.

Орадан ўтган бир йил ой муддат ичда ташаббус издошларининг сони тобора ортди бормоқда. Бригада коллективлари, трестлар, қурилиш бошқармалари корхоналарини илги ва хизматчиларни ўртасида турт кун бўш вақтларида қаред, қайси объектларда ишлаш планлари тузиб чиқилмоқда. Ташаббускор Н. Велиев бригадаси шу муддат ичда

икки бўш кунда турли қурилиш объектларида ишлаб берди. Юқумли касалликлар шифохонаси биноси ва Студентлар шаҳарчасидаги ошхона биноси қурилишидаги самарали меҳнат шулар жумласидандир. Бригада аъзолари йил охиригача яна тўрт бўш иш кунда маданий-маиший қурилишларда ишлаб беришга аҳд қилишган. Шунингдек, «Главташкентстрой»нинг 1-«Орджонкид» трестига қарашли 28-қурилиш бошқармаси коллективини ҳам бу борада ибрат қўрсатмоқда. Бошқармада қаред ва унга қарашли 22 бригада қурувчилари тўлалигича бу ташаббусга қўшилишди.

Бошқармада қаред бригаданинг ва қаред ишлаш планни тузиб чиқилди. Қўнчилик бригадалар биринчи дам олинган кундаги — иш қурилиш муваффақияти ўтказилди. Жумладан бошқарма коллективлари ичда энг илгор бригадалардан бири ҳисобланган II. Савчук бошлиқ коллектив Юнусобод

массивда бунёд этилаётган мактаб қурилишида ишлаб берди. Юқумли касалликлар шифохонаси биноси ва Студентлар шаҳарчасидаги ошхона биноси қурилишидаги самарали меҳнат шулар жумласидандир. Бригада аъзолари йил охиригача яна тўрт бўш иш кунда маданий-маиший қурилишларда ишлаб беришга аҳд қилишган. Шунингдек, «Главташкентстрой»нинг 1-«Орджонкид» трестига қарашли 28-қурилиш бошқармаси коллективини ҳам бу борада ибрат қўрсатмоқда. Бошқармада қаред ва унга қарашли 22 бригада қурувчилари тўлалигича бу ташаббусга қўшилишди.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

5 июнь кун Тошкент тўқимачилик комбинатида, Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида, Тошкент чинни заводиди, Тошкентдаги кўнгалантерей ва спорт моллари ишлаб чиқариш бирлашмасида, Тошкентдаги «Ўзбекистон» сунғий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқариш илгорларидан қатта бир гуруҳида давлат мукофотлари топирилди. Булар ўн биринчи беш йиллик топириқларини ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР орден ва медаллариغا сазовор бўлишди.

Тўқимачилик комбинати мастерининг ёрдамчиси С. Пулатова, «Малика» бирлашмасининг тикучи-мотористи А. М. Просинага, «Ўзбекистон» бирлашмасининг вальцовкачиси С. Д. Файзиева Ленин орденлари, тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси М. С. Ченмазовага ва чинни заводининг директори А. Иброҳимовга Октябрь Революцияси ордени топирилди.

Пешқадам бригада

Бу муҳим қурилишда жуда кўп коллективлар ишламоқда. Улар орасида илгор бригадалар ҳам кўп. Бироқ Анатолий Прокофьев бошлиқ қилмаётган бригада аъзоларининг иши кўпчилик диққатида сазовор бўлмоқда. Бу бунёдкорлар жомбалини кўрсатиб ишлаб ой сайин яхши натижаларга эришмоқдалар.

Ўзбекистон меҳнатчилари билан учрашувлар

«Литературная газета» етакчи ходимларининг бир гуруҳи республика ҳаёти билан танишишни давом эттирмоқда. Ўзбекистон, шунингдек, журналистлар Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасига бордилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

Тошкент—мамлакатга

Ўзбекистон ССР қурилиш материаллари саноати министрининг «Сидикат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси девор материаллари лабораториясида Қирғизистондаги фишт корхоналари учун ҳам ашёни ярим қуруқ холда пресслаш йўли билан яхши таъйирлаш технологиясини таъйирлаб берилди.

Қирғизистон буюртмаси бажарилди

Ўзбекистон ССР қурилиш материаллари саноати министрининг «Сидикат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси девор материаллари лабораториясида Қирғизистондаги фишт корхоналари учун ҳам ашёни ярим қуруқ холда пресслаш йўли билан яхши таъйирлаш технологиясини таъйирлаб берилди.



Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективини зиммага олган йиллик план ва мажбуриятларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдириб ишламоқда. Сиз суратда корхонанинг бир гуруҳ илгор тикувчиларини кўриб турибсиз. «Коммунистик меҳнат зарбдор» деган шарафли номга сазовор бўлган бу чеварлар сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга кунлик смена топириқларини ҳам ҳамшира ортиги билан адо этишмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

Тошкент—янги аънаналар шаҳри

САЙЛАРГА МАРҲАМАТ

Тошкент дўстлик, тинчлик, ҳамшира қадимий ва навақирон шаҳар бўлиши билан бирга янги аънаналар шаҳри ҳамдир. Бу ерда бошланган ҳар бир хайрли иш тезда анъаналарга айланади. Мана уч ҳафтадирки, шаҳримизнинг Карл Маркс кўчасида шанба ва якшанба кунлари байрамона кайфият ҳукм суғурмоқда. Савдо, умумий оқватларни, маиший хизмат кўрсатиш

ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонлар хизматиде. Халқ талантлари, болаларни маданий саройи ансамбллари ижросидаги шўх рақс ва қўшиқлар сэйл фэйзига-фэйз қўшмоқда.

тайёргарлик ишлари олиб бормоқда.



Совет турмуш тарзига хос бўлган янги аънаналар тошкентликлар ҳаётдан мустақкам ўрин олмоқда. СУРАТДА: ёш келин-куёвлар сайлда.

Карл Маркс кўчасида, «Зарафшон» ресторани атрофида 7, 8 июнь кунлари бўлиб ўтadиган навабатдаги сайлга катта олувчилар ихтиёрида бўлади. Шаҳар ресторанилар трести, Куйбишев, Киров, Фрунзе район ошхоналар трестининг ошпаз ва қандолатчилари кэбоб, ош, иссиқ чой, кофе ва ҳар хил ширинликлар билан сайл қилувчиларга хизмат кўрсатишмоқда.

Барчага манзур бўлаётган ва аънаналарга айланган бораётган сайлларга марҳамат қилинг, дўстлар!

Мунтазам ўтказилса


Халқимиз ўн азалдан сайл деса кўнглида майл уйғонган халқ. Бугунги фаровон ҳаётимизда ҳам бу истак ва сайлонга қайфият бизни тарк этган йўқ. Чунки, яхши меҳнатдан кейин яхши дам ва аяниқса яхши сайлга нима етсин!

Карл Маркс кўчасида сайл бўлаётган эмиш, деган гапга ишонмагандин. Йўқ, мана, шанба кунини йўлимиз тушиб келиб қолдик. Ҳа, сайл, бинойидек сайл. Одатда кўпчилик ҳордиқ кунларини қандай ўтказиш, қарегга бориши лўзимлигини билимай қолади. Мана яна, ҳордиқ чиқариш, қайфиятни яхшилашнинг аъло бир тури: Сайл. Бу ерда атрофга боқиб кўз тўймайди. Чарчаганда ўтириб ҳордиқ чиқарган жойлар, юрганда эса кўзини қувонтирадиган савдо расталари кўп. Ҳатто иштахангиз ҳам «хафа» бўлмайди. Хушхўр оқватлардан тановул қилингиз, чанқовбосди иччилликлар, қолаверса аччиққина чойлардан мирзиқиб ичингиз мумкин.

Бизга яна нима керак? Дам олиш кунини яхши, кўнглидагидек ўтказиш. Кўнглида эса бир истак пайдо бўлди: шундай сайллар, сайрлар мунтазам ўтказиб турилса...

Г. ИСЛОМОВА, кноскани, Киров район Совети депутати.

Замондошимиз



Бу шаҳар унга азиз, қадрдон. Бу кўчалар унга таниш. Бу одамларни у ҳар кун кўради. Улар ишга, ўқишга боради, келади. Бу дарахлар, бу гуллар... Ҳайдовчи бўлгани, қўли доимо рул чамбарагиде, кўзлари йўлда бўлгани учун кўпича эътибор бермайди: бир қарайди: йўллар ахлаган, чор-атроф оппоқ қор; бир қарасани ҳаммаёқ кўм-кўк, баҳор келибди, гуллар, гуллар; яна бир назар ташласа — шаҳар йўлаклариде сояболлар, кўб ўт пурқайди, ҳамшаҳарлари — қизлар, болалар музқаймоқ еб ўтиришбди. У эса нукул иш, дебди. Йилнинг икки фасли — олти ой бир зумда ўтиб кетбди. Бироқ...

Одамзодга яна нима керак! Энг аввало тинчлик. Кейин хотиржамлик. Хотиржамлик — яхши маънода. Бу — меҳнат ва ҳаётдан кўнгли тўқ деган маънода. Шонбё Томирдин кўнглида кўп эзгу истаклари бордир — улар ўзига аён. Бу истаклар амалга ошса янаде яхши. Истаклардан ташқари ўзини замондошларини ўйлаётган саволлари ҳам бор. Масалан, қуйидагича: — Бизни одамлар нега тўқликка шўғлиқ қилишбди! Ишнинг тинчлиги, ҳалол бажариб юрса нима қилади! — Яна бир савол: — Одам ҳалол бўлиш, ҳалол яшаш учун нима қилиши керак! — Ҳалол бўлиш керак! Бу унинг жавоби. Барча ҳалол одамларнинг жавоби шундай. Бошқача бўлиш мумкин эмас.

Мабодо «Студентлар шаҳарчаси — Вокало» маршрути бўйича катвончи 8-троллейбуслардан бирга чиқиб қонсангиз уни кўришингиз мумкин. Иسمى-шарифи Шонбё Томир. 1978 йилдан бери троллейбусни бошқаради. Коммунист. Ўзи депо бўйича биринчи ўрнида бормоқда. Яна нима дейиш мумкин! Соғ бўсин, бор бўсин. СУРАТДА: Шонбё Томир.

Ўзбекистон меҳнатчилари билан учрашувлар

«Литературная газета» етакчи ходимларининг бир гуруҳи республика ҳаёти билан танишишни давом эттирмоқда. Ўзбекистон, шунингдек, журналистлар Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасига бордилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

Қардошлик қонунига биносан

Транспортчилар ёрдами

Шаҳримиз меҳнатқашлари барча совет кишилари қатори чернобиликлар бошга тушган фалокатга ҳамдардлик билдириб, барча соҳалар бўйича қўлларидан келган ёрдамни аяматтирлар. Содир бўлган фалокат туфайли жабр кўрганларга ёрдам кўрсатишга аҳд қилган коллективлар орасида шаҳар транспортчилари ҳам бор. «Главташкентстрой» бошқармаси коллективи ва унинг 16 корхонасидаги ишчи, хизматчиларининг

904-сўғига ўтказган қардошлик ёрдам пули 75 минг сўмини ташкил этди.

Яқдиллик билан

Яқинда «Марказ — 17 — 18» кварталларидаги 35-«ВГ» уйда истиқомат қилувчи 60 хонадон вакилларининг митинги бўлиб ўтди. Митингга маҳалла қариялари номидан сўзга чиққан меҳнат ветерани, маҳалла комитетининг янги урф-одатлар ва аънаналар бўйича комиссия раиси Ғулмуҳажо ота Турсунов шундай деди:

Қардош украинлик биродарларимиз кечираётган оғир дамларни бутун мамлакатимиз меҳнатқашлари астойдил ҳис этмоқдалар.

Биз бутун мамлакатимиз меҳнатқашлари қатори кўп йиллардан бундан шаклланиб, турмуш тарзимизга сингиб кетган қардошларга биродарлик ҳис туғуси билан берга тўпладик. Биз истиқомат қилмаётган уйдаги хонадонларни чернобиликлар ҳисобига 300 сўм ўтказишга даъват қилмадик. Ғулмуҳажо отанинг қалбидан отилиб чиққан бу сўзлар маҳалла ахли, ёш-қариси бир овоздан маъқуллаб 904-рақамли сўғига 300 сўм ўтказишга аҳд қилди.

Сўнги соатда

Рац (СССР) ва Фернандес (Франция) киритди. Мазкур матч ҳақидаги ҳисоботи газетанинг келгуси сониде ўқийсиз.

Мехико ва Пуэблода бўлган Болгария — Жанубий Корея, Италия — Аргентина терма командалари учрашуви ҳам дуранг билан якунланди — 1:1.

шеҳрида Канада ва Венгрия терма командалари беллашмоқда. Уч карра жаҳон чемпиони — Бразилия футболчилари Гвадалахарада Жазоир терма командасига кетар майдонга тушишди. Монтеррейда Марокаш ва Англия футболчилари ўзаро куч сынашди.

Мексика стадионларида яна уч матч ўтказилди. Иранпато

КПСС XXVII съезди: сифат, самарадорлик, жадаллаштириш

МУСОБАҚА ОММАВИЙ ВА ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Коллектив ибрати

«Узбтихим» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли синтетик ювчи воситалари заводи ишчилари КПСС XXVII съезди қарорлари белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш йўлида социалистик мусобақани торабора авж олдиришда, Корхонада 17 та бригада мавжуд. Бригадалар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа ташкил этилган. Мусобақа ҳар ойда яқунлиниб, илгорлар рағбатлантириб борилади.

Заводда Шавкат Сахнулин бригадаси энг илгор коллективлардан бири саналади. Бу бригада бир неча йилдирки, илгорликни қўлдан бермай келмоқда. Брак-сиз маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот сифатини ошириш коллективнинг асосий шioriдир. Комплекс ишлаб чиқариш бригадаси номи билан аталадиган бу коллективда ўз касбининг устаси бўлган кишилар ишлашади. Бригада аъзолари корхонанинг Александр Епонишинов бош бўлган бригада коллективи билан бир неча йилдан бери мусобақаланиб келишади. Социалистик мусобақа бу корхонада ютуқлар омили бўлмоқда.

«Узбтихим» ишлаб чиқаришга жорий қилинган фидоикорлик кўрсатди. Шавкат рационализаторлик таклифлари билан чина бошлади. Унинг таклифлари кўпчиликлари маъқул келди.

Ўтган йилнинг 26 декаб-рида Шавкат ўзининг янги рационализаторлик такли-фини эълон қилди. Бу ихти-рода Шавкат елимлаш-станогининг клапанларига ўзгартиш киритди. Натияжа-да клапанлар яхши елимла-надиган бўлди. «ПВА» ели-ми эса иқтисод қилина бош-ланди. Бу ихтиро корхона ишчилари томонидан идиқ-кутиб олинди. Завод дирек-цияси Ш. Сахнулинни пул-мукофоти ва Фахрий ёр-лиқ билан тақдирлади. Ўт-ган йиллар корхонада, ўн-биринчи беш йилликда энг илгор ишчи, деган ша-рафли номи олиш учун иш-чилар ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилган эди. Бу мусобақада Шавкат Сахнулин голиб чиқди ва «Ўн биринчи беш йиллик илгори» бўлди.

Завод апрель ойи плани-ни 108,9 процент қилиб не-баржари. Бу ютуқда Ш. Са-хнулин бригадасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Иш-лаб чиқаришда эришган ажойиб ютуқлари, изланув-чанлиги ва жамоатчилиги учун Шавкат Сахнулин 23 май—Химиклар кунинда рес-публика Халқ ўзғалтириш ютуқлари выставкасининг «Элексер» мукофоти лау-реати бўлди.

Ш. Сахнулин бригадаси ҳозирги кунда кунлик сме-нада топириқларини 1,5—2 ҳисса бажармоқда.

— Партиязиш кун тарти-бинга кўйган жадаллашти-риш программасини амалга ошира бориб, — дейди Ш. Сахнулин, — бригадаси аъзолари ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили II квартал планини июнь ойининг биринчи ўн кунли-гида мудатидан илгари ба-жариш учун социалистик мусобақани авж олдириш-моқдалар. Апрель ойи плани 105,5 процент қилиб бажа-рилди. Ишчиларимиздан Лариса Блажко, Людмила Шаповалова, Андрей Жит-новлар кунлик сме-на топ-шириқларини 1,5—2 ҳисса қилиб адо этишмоқда. Виз-нинг асосий вазифаси маҳ-сулот сифатини ошириш, иш-вақтининг ҳар минутидан унумли фойдаланган ҳолда ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йили планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 69 йилли-ги нишонланадиган кунгача бажаришидир.

С. ИКРОМОВ,
ТошДУ студенти.

Касбга меҳр

Тошкентдаги 9-ўрта ҳунар-техника билим юрти қирқ йил-лик фаолияти мобайнида 16 мингдан ортиқ ёш ўринбосар-ларга йўллана берди.

Билим юртида турли анъ-аналар қарор толган. «Устоз-лар таърибаси—вилар меъро-си», «Уринбосар, меъстер ва корхона» каби давра суҳбат-лари тез-тез ўтказиб турилади. Кадрлар масканида янги таш-

кил этилган «Қизил чиннигул» клуби йўли билан ҳам бундай тадбирлар плани ревишида амалга оширила бошлади.

Клубнинг яқинда бўлиб ўт-ган йилиги ишчилар сафи-дан 20 ўринлиги эгаллаб, уш-дан маззуга бағишланди. Уш-га кун билан юртига шахримиздаги 100, 135, 176-ўрта мактаблар ўқувчилари таклиф қилинди.



Коммунист ҳаммиса ўз зиммасидаги масъу-лиятни чуқур ҳис этиши, меҳнатда ва жамоат ишларида бошқаларга доимо ўрнатиб қўйиши зарурлиги КПСС XXVII съездида яна бир бор таъкидлаб ўтилди. КПСС аъзоси Маргуба Ман-нопова Тошкент чинни заводида ана шу фа-зилатлари билан ҳамкасблари ўртасида муно-сиб обрў-эътибор топмоқда. Кейинги ўн йил ичида унинг қўлидан чиққан чинни буюмлари

Одамларнинг ҳолис хизмати

Катта қурилиш. Бунёдкор-лик ишлари авжида. Қурувчи-ларнинг ҳаракати бир зум тинмайди. Улкан кранлар ти-нимсиз ишлаяпти. Бироз ҳо-зирига объекте келтирилган қоршамани туширмоқда. Би-роз деворларни пайвандала-риб, яна бироз дурадорлик қилаяпти. Бу қанчақ қурилиш! Уни ким қурати! Қайси маб-лағ ҳисобига!

Ҳашар. Шанбалик. Энг ях-ши ўқувчиларимиз. Янгича анъ-аналар шаҳри бўлган Тошкен-тимизга бу маросимлар жуда ярашади. Зеро кўпчиликида ҳикмат қўл. Агар у жазм эт-са ҳар қандай ишни бежа-ришига қодир. Коллектив кучи билан ўтказилаётган соатлик ёки бир кунлик ҳашарни кўз олдингизга келинтинг. Мис-қоллардан хирмонлар, зарра-лардан тоғлар бунёд этиш мумкин бўлганидек кўпчилик билараша ўзар дарёлар ҳам жипсовланади.

Бу бино ҳам ҳашар йўли билан бунёд этилмоқда. Шан-баликлардан тушган маблағ ҳисобига қад кўтараяпти.

Шу кун 1-шаҳар касалхо-ниги ёнига қад кўтарил-ётган 200 ўринли бу туғруқ-на қурилишда иштирок-етиш учун 300 ҳашарчи тўп-ланяпти. Олдиндан режалаш-

тирилган план асосида ишлаш катта самара берди. Катта ҳаммадаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Ҳашарчи-лар куч билан 50 кубометр бетон ётқизиляпти, барча зона-ларда пол қурилиши учун ке-рамли ва қум ҳозирляпти.

Объектдаги асосий ишлар-ни «Главташкентстройнинг 12-трестига қарашли 65-қури-лиш бошқармасининг Б. Қоси-мов бошлиқ бригадаси аъзо-лари олиб боришмоқда. Бри-гадада 37 қурувчи бор. Улар-нинг ҳаммаси ўз касбларини пухта ўзлаштириб олган бун-ёдкорлар.

— КПССнинг XXVII съез-дида қурилиш ишларидаги камчиликлар алоҳида қайд қилиб ўтилди, — дейди Б. Қоси-мов сўзбашари бригадир. Айниқса ундаги «Капитал қу-рилишдаги ишларнинг аҳоли учун буюртмачи корхоналар зиммасига катта масъулият тушади. Лойиҳа-смета ҳужжат-ларини пудратчи ташкилот-ларга ўз вақтида топширмас-лик, асбоб-ускуна ва махсус материалларни етказиб бериш муддатларини узултмас бу-зиш, пул билан таъминлай бошловчи ва шартномалар тузишини пайсалга солиш қу-рилиш ишларини издан чиқар-моқда. Бундай аҳолига ортиқ

тоқат қилиб бўлмайди», деган сўзлар биз қурувчилар зим-масига катта масъулият юк-лайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир иш икросини юқоридаги та-лаблар даражасида адо этиш-га ҳаракат қилишмоқдамиз.

Беш блокдан ташкил топ-ган объект кўпчилик ғайрати билан кун сайн кўкна буй чўзмақда. Ҳозирча тўртта блокда қурилиш-монтаж иш-лари ниҳоясига етказилди. Би-ришда қурувчилардан М. Ази-зов, Ҳ. Тўлаганов, У. Ортиқов, Х. Раҳматуллаев, Е. Князев-ларнинг хизматлари катта бўлди.

Юқори қаватда ишлаётган пайвандчининг ҳаракати диқ-қатимизни ўзига торди. У электрорудлардан ўт қақна-ти блок бетонларини бир-би-рига уламоқда. Ер узра ёл-ғирдек қуйилаётган қақин зар-ралари қўш нурда янада ёрқин тобланади. Иссиқ ва совуқни пинанд қилмай иш-лаётган мана шу фидоикорлик кучи билан бино тобора ўзи-ни кўрсатиб бормоқда.

Орадан кўп вақт ўтмайди. Шаҳримизнинг қадимий жой-ларидан бирида яна бир муҳ-ташам бино қад кўтараяпти. Бу барча қуйилишларга эга бўл-ган туғруқна биносидир.

М. АКРОМОВА.

Бўй чўзаётган қаватлар

Фоторепортаж

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлаш-масига қарашли бу жойда яқингинада осойишталик ҳукм суради. Эндиликда бу ер қурувчилар шовқини билан тўлиб-тошган. Иккита бригада 272 оилага мўлжал-ланган бино қурилишида жонбозлик кўрсатиб ишла-моқда. Улар 2-уйсозлик комбинатига қарашли 60-қурилиш бошқармасининг В. Салижанов ва А. Конрод бошлиқ бригадалардир.

ҳам, сифати ҳам аъло дара-жада.

Бу инкала коллектив узоқ йиллардан бери бир-бири-лар билан мусобақаланиб ке-лишади. Мусобақадорлар турли объектларда ишла-шади. Шунинг учун бир-бирларининг ишларидан, меҳнат интизоми, иш усули, коллективнинг иш графиги ва дам олиншидан беҳабар эдилар. Бу сафар инкала бригада бир объекте иш-лашга тўғри келди. Бу ме-тод ҳам уларга қўл келмоқ-да. Бир-бирларининг ишлар-идан, илгор усулларидан ўрганишмоқда. Бригада пудрати методи асосида иш-лаётган бу коллективнинг муваффақиятини бошқа бригадалар ўрнат олиш-япти.

қисми зое ўтаётганлиги, тех-никадан фойдаланиш дара-жаси пастлиги, оммавий касблардаги ишчиларнинг касб-кор тайёргарлиги етар-ли эмаслиги, унинг состави беқарорлиги кўпгина коллек-тивларнинг сурункали илла-ти бўлиб қолганлиги КПСС XXVII съездида ҳам алоҳи-да таъкидлаб ўтилди.

Бинонинг биринчи қава-тидан почта, телефон алоқа-си пункти, сартарошхона, магазинлар ўрин олади.

А. Конрод бригадасида 14 киши ишлайди. В. Салижан-нов бригадасида эса 13 ки-ши бор. Улар монтажи, пайванди, бетончи ва ду-радор касбларига эга. Ви-дор, қурувчилар истанган лиши бажариб кетавераял-лар. Чунки бригададошлар-нинг ҳаммаси турли касб-ларни ўзлаштириб олишган. Шунинг учун ҳам бригада-га — комплекс бригада де-ган ном берилган. Ҳар бир қурувчи турли касбада иш-лай олади. Шу тўғрисида бу коллективларда иш унуми

Шу кунларда ҳар инкала коллектив объектни мудда-тин илгари фойдаланишга топшириш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Ю. КОВАЧ.

СУРАТЛАРДА: (юқори-да) бригадир А. Конрод ва қурувчилар А. Гулмуҳамма-дов ҳамда К. Юсуповлар эртан-ги иш режасини тузишмоқ-да; бригада аъзолари томо-нидан қуриляётган бинолар.

Х. Мирзакаримов фотолари.

ган. Бундан икки йил олдин армия бўлиналари ўтказган «Зангори юлдаш» операцияси натижасида Ҳиндистоннинг Амритсар шаҳридаги олтин ибодатхона комплексида синх сепаратчилари ва террорчи-ларнинг бош таянч базаси ту-патилган эди. Ҳиндистон мил-латий бирлиги ва бутунлиги душ-манлари томонидан ана шу во-қеанинг икки йиллик муносаба-ти билан мамлакатда қарши авж олдирилган ашаддий кам-пания доирасида бандитлар хуружини ўтказиш мўлжаллан-ган эди.

Маҳаллий кузатувчилар фит-на фощ этилганлиги тўғриси-даги хабарни Фарб мамлекет-ларида, энг аввало Англия, АҚШ, Канадада синх бузув-чилари кўпорувчилик фаолияти кучайганлигининг яна бир да-

Жаҳон шаҳарларида.

◆ КОБУЛ

Афғонистон Демократик Республикасида давлат ҳокимияти ва бошқарувининг маҳаллий органларига сайловлар давом этмоқда. Шимолий Са-манган вилоятининг бешта сайлов округида аҳолининг юксак ватанпарварлиги вази-ятда қишлоқлар маҳаллий жиғраса [кенгаши]га 30 депу-тат сайланди. Вилоятнинг ма-мурий маркази Айбак шаҳри-да район кенгашига турли ик-тимой табақалар ва элталар-дан 25 вакил сайланди.

◆ БОГОТА

Колумбиянинг йирки шаҳар-ларида ишчилар тез сурут-лар билан ўсмоқда. Миллий статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, мамлакатнинг йирки шаҳарла-рида ишчилар сонини сўнгги беш йил ичида икки баравар кўпайиб, 4,7 миллион кишига етди. Колумбия пойтахтида, шунингдек Медельин, Барран-киль шаҳарларида ишчилар сонини айниқса кўп.

◆ ГАВАНА

Япония компартиясининг Окинава комитети Окинава Порт-о-прендан олинган ха-

барларга қараганда, Гаитида оммавий халқ намоишлари янада авж олиб кетди. Непо-лий қангашларни америкапа-раст диктатуранинг қонли оғир меросини туғатиши, Кариб хавзасидаги бу мамлакатда чинакам демократик ўзгар-тишларни амалга оширишга дарҳол киришиши талаб қилинмоқдалар. 10 минга яқин намоишчилар ҳокимият тепа-сига келган ҳукумат истефо-беришини талаб қилувчи ши-орларни қаторлаб Гонаив порт шаҳри йўчалардан ўт-дилар. Маълумки, Дювалье қонли режими билан жиний ҳамкорлик қилиб, ўзига доғ туширган кўпгина арбоблар бу ҳукумат составига кирган. Улар Гаити жамиятини дема-ократлаштириш имкониятла-рини очикдан-очик саботаж қилмоқдалар, Вашингтон кўр-сатмасига мувофиқ аввалги сиёсатни ўтказишга уринмоқ-далар. Бир қанча жойларда намоишчилар билан поли-циячилар ўртасида тўқнашув-лар бўлиб ўтди.

◆ МАПУТУ

Мозамбикдаги Иньямбан шаҳар-ида Фрелимо партиясини, МПЛА — меҳнат партияси ва Конго меҳнат партияси пар-тияси контроли органлари раҳ-барларининг кенгаши бўлди. Кенгаш қатнашчилари ММо-замбик, Ангола ва Конгодаги сиёсий вазиятни муҳокама қилдилар, иш таърибларини баҳам кўрдилар. Бу галги у уч-рашув, деб таъкидлашди улар, ун қарош партия ў ўр-тасидаги алоқалар муттасил мустақамланб бораётганли-гидан далолат бермоқда.

Чжао Цзияннинг айтганлари

◆ ПЕКИН

Синьхуа агентлигининг ха-бар қилишича, ХХР давлат кенгашининг бош министри Чжао Цзиян Хитой жаңуби-ғарбий Африка халқ ташки-лоти (СВАПО) томонида қатъ-

ий турганлигини айтди. Хитой ҳукуматининг бошлиғи СВАПО президенти С. Нуйома бошчи-лигида бу ерга келган шу ташкилот делегацияси билан учрашувда ХХР Намбиянинг миллий мустақиллик йўлидаги адолатли курашини муттасил

АҚШ—Канада

савдо уруши

◆ ОТАВА



Канада билан АҚШ ўртаси-да ҳақиқий савдо уруши кучайиб бормоқда. Канада мо-лия министри Майкл Уилсон шу ҳафтанинг охирида Америка китоблари, вақтли нашрлари, ҳисоблаш техника-сининг деталлари ва ярим ўт-казгичларига божхона солиғи жорий этилишини эълон қил-ди. Оқ уйнинг Канада ёғоч-созлик саноатининг АҚШга импорт қилинётган маҳсуло-ти бир қисмига катта бож солиши тўғрисидаги қарорига жавобан шундай чора кўри-лади. Вашингтоннинг манфаат-парастлик тадбири Британия Колумбияси вилоятида 4 ми-нги ишчининг ишдан бўшатилиши хавфини келтириб чиқарди.

Улкан шаҳарнинг муаммоси

Япония пойтахти Токио кўрфазан қирғоқлари бўйлаб ўйлаб километр масофада кў-чалари билан чандишиб кет-ган улкан шаҳардир. Унинг хозирги ўткир проблемалари-дан бири кўчаларда қўллаб-тиқилнич ҳосил қиладиган транспорт ҳаракатининг ҳад-дан ташқари мураккаблашиб кетганлигидир. (Юқоридаги суратда). Энг тиқилнич лайд-та машиналар ҳаракати 6—7 километрдан ошмайди. Ай-ниқса яшанба кунлари шаҳар атрофидаги дам олиш зо-наларига борадиган йўллар-да қўллаб машиналар тўпла-ниб қолади ва транспортнинг

кўп километрли узун занжи-ри соатлаб йўлда ҳаракатсиз туриб қолади.

Япониядаги «Добокү сэжю» қурилиш кампаниясининг Ҳужайилари ана шу вазият-дан келиб чиқиб, янги ер-остки тоннели лойиҳаси яра-тишни таклиф қилмоқдалар. Бу лойиҳа бўйича Токио кўрфазан қирғоқлари ёқаллаб тоннель ўтказилади. Лойиҳа-нинг муаллифлари ҳисоб-лашчи, фақат ана шу лойиҳа-да ёрдамда маҳаллий йўл-ларда гоётда тиқилничлик проблемасини ҳал этиш мум-кин.

Пастдаги суратда эса а ер-остки тоннелининг лойиҳаси.



Фитна фощ этилди

◆ ДЕХЛИ

Канада ва АҚШда иш кўра-ётган синх сепаратчилари янги йвуз жиноятини амалга оширишга — Ҳиндистоннинг Нью-Йорк—Деҳли маршрути бўйлаб қатнайган «Эйр Ин-дия» давлат компаниясининг пассажир авиалайнерини порт-лаштига ҳозирлик қўради деган ЮПИ ахборот агентлигининг хабар беришича, Монреаль те-расида фитна фощ этилди. Бу гуруҳ Панжоб чегара ше-тини ва мамлакатнинг ана шу шатга туташ шимолий-ғарбий қисмининг Ҳиндистондан ажра-тиб олиш йўли билан «Халис-тон» давлатини тузиш учун куралини кураш олиб бориши ўз олдига мақсад қилиб қўй-

ган. Бундан икки йил олдин армия бўлиналари ўтказган «Зангори юлдаш» операцияси натижасида Ҳиндистоннинг Амритсар шаҳридаги олтин ибодатхона комплексида синх сепаратчилари ва террорчи-ларнинг бош таянч базаси ту-патилган эди. Ҳиндистон мил-латий бирлиги ва бутунлиги душ-манлари томонидан ана шу во-қеанинг икки йиллик муносаба-ти билан мамлакатда қарши авж олдирилган ашаддий кам-пания доирасида бандитлар хуружини ўтказиш мўлжаллан-ган эди.

Маҳаллий кузатувчилар фит-на фощ этилганлиги тўғриси-даги хабарни Фарб мамлекет-ларида, энг аввало Англия, АҚШ, Канадада синх бузув-чилари кўпорувчилик фаолияти кучайганлигининг яна бир да-

БУГУН РЕСПУБЛИКАМИЗДА АНЪАНАВИЙ ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

РУС ШЕЪРИЯТИНИНГ ҚУЁШИ



Рус поэзиясининг сўямас қуёши — Пушкин ижоди бугунги кунда ўзи ора қилгандек дунё эркесвар халқларининг кўнгил мулкига, бетакор ёруғлик қўшиғига айланган. Эро, озолик ва тенглик, дўстлик ва зафарли курашга чорлаган улду халқнинг улғу шоири ҳаминша ардоқлидир. У қуйлаган умуминсоний гоёлар эса ҳаминша тинчликсевар халқлар юрагига, тилагига яшайверади.

Пушкиннинг шеърлари Иттифоқимиздаги барча халқлар тилида жарангламоқда. Бу янграқ шеърят байрами бизнинг республикамиз қишлоқ ва шаҳарлари, олий ўқув юрталари, корхоналарида шу кунларда бўлиб ўтаётган адабий кечалар, учрашувларда давом этмоқда.

Анъанавий пушкинхонлик кунларига марҳамат!

Газетанинг шу сонига интервью

Поэзия байрами

Бугун республикада ҳар йил анъанага кўра рус шеърятининг қуёши Александр Сергеевич Пушкин туғилган кунининг йилдаги муносабати билан навбатдаги пушкинхонлик кунлари бошланди. Бу тадбир ўзининг катта аҳамияти билан республикада муносиб маданият ва шеърят

байрамидир. Пушкинхонлик кунлари программаси тадбирлари нималардан иборат? Мухбиримиз Ўзбекистон Ёзувчилар союзи прелатенеси қошидаги пушкинхонлик комиссияси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Туроб Тўла билан сўхбатлашди.

роса ярм аср муқаддам киришган эди. Ушанда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг ташаббуси билан пойтахт областининг Ёштинлик районидagi Хўжақент қишлоғида Ўзбек шоирларининг Пушкин асарларини таржима қилишлари учун шарафат яратиб берилган. Бу хайрли ва катта аҳамиятли ишга Ойбек, Фахур Гулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхона, Усмон Носир, Миртемир ва низоот семмли отахон шоиримиз Уйғун зўр илҳом билан киришган эдилар. Шу муносабат билан эртага Хўжақентда катта адабий кеча ўтказилади. Ўзбек адаблари Пушкин асарларини таржима қилиш билан бирга унинг туганмас ижоди мактабига муносиб сабоқ олдилар, шоир асарларидан илҳомланиб, ўзларининг қатор достонлари, поэмалари, қиссалари ва драматик асарларини яратдилар. Айниқса бу фаанлаткор Ойбек, Фахур Гулом, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор ижодига кўзга муносиб ташланади.

Пушкинхонлик кунларида Навоий проспектидаги шеърят хибониди, Низомий номдаги Тошкент Давлат педагогика ва маданият институтларида ҳам катта адабий кечалар ўтказилади.

Келгуси ҳафтанинг чоршанба куни пойтахтимиздаги «Баҳор» концерт залидида пушкинхонлик кунларининг якунловчи кечаси адиллар ва адабиёт мухлисларининг катта даврасини намраб олади. Шу ерда шоир асарлари рус, ўзбек, қozoқ, қирғиз, тожик, қорақалпоқ, озар, татар тилларида янграйд.

Боқчасарой фонтанига

Ишқ фонтани, эй ўлмас фонтан, Сенга икки қизил гул совғам! Шилдирагин ёқимли чунон, Шоирона кўз ёшларинг ҳам.

Сачар менга кумуш тўзонинг, Эсар салқин шабнам нафаси. Тинмайин оқ юпанч чашмаси! Шилдир-шилдир сўйла достонинг...

Ишқ фонтани, қайғули фонтан, Мармарингдан айладинг сўроқ, Мен эшитдим йироқ элга шoш; Мариадан айтмадинг бироқ...

Унут бўлдинг наҳотки мангу — Сен, эй сўлғин ҳарам юлдузи? Е Мария, Зарема бону — Наҳот ширин хайлининг ўзи?

Ёки бари ширин бир ўйку, Бу қароринг хилватда хайл, Е бир дамлик тисолиминди у, Е қалбади мажҳул идеал?

1824.

Пушкин ...га

Йўқ, йўқ, муҳаббатнинг жўшқин раъйига Энди мен бўлмасан телбарларча қул, Озор ҳам бермайман дил оромига, Ениш, ўртанишга ҳеч қўймайман йўл;

Бас энди, шайдолик етар! Ва аммо, Не учун хайлга толмайин бир зум, Ногаҳон самовий, нозли, мусалфо Қиз қўзим олдидан ўтаркан маъсум?..

Томоша қилмоққа тотин шавқ билан Наҳотки, қолмади зарра ижозат? Сукутда кузатмоқ нигор низдай, Тиламоқ мулкимнас бахту саодат?

Наҳот, тилаб бўлмас ҳаёт неъматин; Унга ҳаловату, ором ва шодлик? Ҳаттоки, баронинг қалбига яқин Рафиқа атовчи қимсага толе?

1832.

«Оқшом» га ХАТЛАР

Йиллик отпускаи бериш тартиби

Хурматли редакция! Корхона, қурилиш ташкилоти ва муассаса ишчи ва хизматчиларига йиллик отпускаи қай тартибда берилди? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсан. **Х. ТОШҚИЛАТОВ, Х. Қ. ЭРМАТОВ.**

«Главташкентстрой» га қарашли қурилиш ташкилотларининг қурувчилари.

Ишчи, қурувчи ва хизматчиларига йиллик отпускаи берилиши меҳнат қонунида асосларида, Ўзбекистон ССР меҳнат қонуни ва кодексиди, шунингдек бир қатор қонуний актларда кўзда тутилган. Меҳнат муносабатлари тартибидида шартномалар асосида давлат корхоналарида ишловчи ва давлат социал страхованиесидан фойдаланувчи штатсиз ходимлар умумий асосларида йиллик отпускаи олиш ҳуқуқи агадилар. Фақат муваққат ходимларга ва мавсумий ишларда банд бўлган шахсларгагина отпускаи берилмайди. Одатда отпускаи йил давомиди бир марта берилди.

Ходим корхонада 11 ой узлуксиз ишлаганидан кейин йиллик отпускаи олиш ҳуқуқи ага бўлади. Лозим қилган тақдирда йиллик отпускаи узлуксиз 11 ой ишлаганидан кейин аёлларга (ҳомилдорлик ва туғин отпускасидан олдинда ёки бевосита ундан кейин) 18 ёшга етмаган ишчи ва хизматчиларга, запаса бўшатирилган ва бошқа ишга юборилган ҳарбий хизматчиларга (3 ой ишлаганидан кейин) қонунда кўзда тутилган тартибда берилди.

ишлаган вақти, шу жумладан шогирдлик даври); д) иختирочи ва рационализаторларнинг ўз тақлифини жорий қилиш билан боғлиқ ҳолда бошқа корхонада ишлаган вақти.

Йиллик отпусканинг энг кам муддати — 15 иш куни тенгдир.

Йиллик отпускаи муддати одатда, календарь бўйича иш куни ҳисобида белгиланади. Отпусканинг умумий муддати ҳисоблаб чиқариш учун календарь бўйича иш кунларига отпускаи даврига тўғри келадиган дам олиш ва байрам кунлари қўшилди. Икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасти режимида ишловчи шахсларга отпускаи муддати иккинчи дам олиш куни ҳисобига узайтирилмайди.

Йиллик отпускидан фойдаланиш муддати маъмурий томониди касаба союзлари комитети билан келишган ҳолда 5 январдан кечиктирмай бутун календарь йил учун тузилган отпускарлар графигида белгиланади. Отпускарлар бутун йил давомиди мумкин қадар тенг тақсимланади. Педагог, ходимлар йиллик отпускани нанкикул даврида, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ўзлари учун қўлай вақтда, воляга етмаганлар ёв мавсумиди, ўз хоҳишлари билан йилнинг исталган бошқа даврида оладилар.

Уриндошлик вазифалари бўйича отпускани (одатда, ҳақ тўланмайдиган) асосий иш жойларидан берилди.



М. ЗОКИРОВА: Турмуш ўртоғини III группа инвалиди. Ойлик маоши 105 сўм. У инвалидлик пенсиясы ва иш ҳақини тўлиқ олиш ҳуқуқига эгами?

Жавоб: Давлат пенсиялари тўғрисидаги қонунга асосан ишловчи учинчи группа инвалидларига пенсия тўлаш қондалари инвалидлик сабабларига боғлиқ. Барча ишловчи учинчи группа инвалидларига (ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган учинчи группа инвалидлари, уруш инвалидлари ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳоллар бундан истисно) тўланадиган пенсия миқдори уларнинг пенсияси билан олинмаган иш ҳақини қўшиганда пенсия таъинланиши олдидан олиб келган умумий иш ҳақи миқдоридан ошмаслиги керак. Иш ҳақи ойига 120 сўмдан ошмайдиган инвалидларга таъинланган пенсиянинг камида 50 проценти тўланади. Турмуш ўртоғини пенсия таъинланиши олдидан олиб келган иш ҳақини пенсия таъинлангандан кейин ҳам олаётгани учун пенсия тўланмаётганлиги қонунийдир.

А. ҲАСАНОВ, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг штатсиз меҳнат ҳуқуқи инспектори.

Намунали, шаҳар учун

Спорт майдонидаги тартибсизлик

Бундан йигирма йил муқаддам ҳозирги Қорақоғил массивидаги уйлар ўрнида қолхоз ерлари бўлиб, унда ҳар хил сабабот-мевалар етиштирилди. Бугунги кунга келиб бу массив шаҳардаги кўркам жойлардан бирига айланган. Қўпал турар жой бинолари, машина ширкати кўрсатиш шохобчалари, мактаб, боғча ва спорт майдончалари барпо этилди.

Биз ишлаб турган I-Қорақоғил массивининг 3-микрорайониди 46, 47, 48 ва 49-уйлар оралиғида ҳам меҳнаткашлар ва район уй-жой бошқармаси — иштирокчи катта спорт майдонини буни айлантириш ҳақида сўз бораётган вақтда бундай беғамлик қилиниши массив аҳолисини ранжитмоқда.

Л. ҲАМРОЕВ, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, шахсий пенсионер.

СУРАТЛАРДА: спорт майдончасидаги тартибсизликлар. Х. Мирзакаримов фотолари.



С. СОДИҚОВ: Мен меҳнат ветерани (ички ишлар министрлигидида ишлаб пенсияга чиққанман), Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

Жавоб: Амалда қўлланмаётган меҳнат қонунарига асосан ишловчи пенсионерлар бошқа ишчи ва хизматчилар қатори меҳнат соҳасидида баробар ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Шунингдек, улар бир қатор имтиёзларга эгадилар. Масалан, иш ҳақи сақланмайдиган кўп муддатли отпускаи, маъмурият билан келишган ҳолда (агар ишлаб чиқаришга салбий таъсир қилмас) қисқартирилган иш кунидан фойдаланишлари мумкин.

Ишловчи пенсионерлар янги иш жойларида 11 ой ўтганидан кейин меҳнат отпускасига чиқадилар. Ундан аввал йиллик отпускидан фойдаланиш қонунда кўрсатилмаган.



ҒАРОЙИБ УЧРАШУВ

Мексика кундалиги



Бугун мен ушбу сатрларни одатдагидек кечроқ узатаётганим учун сизларга «буэнос тардес!» — «Оқшомингиз хайрли бўлсин!» дейман дўстлар. Гап асло чемпионатнинг дастлабки беш кунни воқеалари, стартдаги ҳақонга бой бўлган 12 матч мени толиқтириб қўйганда эмас. Очигини айтса, чарчаб қолдим. Аммо, алоҳида кечикки чиқишимнинг сабаби бу эмас. Сабаби, бир кун аввал Ирапуатога аёқбойи ва дилкаш бир киши билан самийий учрашувдан сўнг, мен ёзув машинасини олдириб бироз ҳаяллаган ўтирдим.

Ким билан учрашганимни топинг-чи!.. Ҳеч тополмай-сиз!.. Аслини олганда, эски ва яқин танишим, икки қаватли мўжзагина, аммо низоотдагина шинам «Пласа Флорида» меҳмонхонасининг администратори Энрике Савало бу янгилик менга маълум қилганида, даставвал ўзимни қўйишга жой топмай қолдим. Совет футболчилари Ирапуато

даги ана шу меҳмонхонада яшади. — Сенор Пике! — айёро-на, сирли равишда маълум қилди у. — Истайсизми, ҳамма нарсидан хабардор бўлган сизни ҳам бир янгилик билан хайратда қолдирайми!

— Дўстим Энрике, — дедим мен унга, — бу сенинг кўлингдан келмайди. — Келинг бўлмас бахslashамиз, — тинчмасди у. — Келишдикми? Шу ерда, дарҳол. Таниқли совет футбол шарҳловчилари Виктор Понедельник, Александр Левинсон ҳамда шахримиздаги «Эрзал» ва «Сентро» оқшом газеталарининг репортерлари ҳузурда. Уларни сиз яхши таниқисиз.

— Катъиятингизга қараганда бу баҳсини юттиришга иншонингиз қомилга ўхшайди. Аммо кечиниш меннинг одатим эмас. Розиман. Янгиликнингизни айтинг, баҳсини ютсангиз «Ацтек»даги финал ўйинига билет сизники.

нинг қўққи бошимга, сомбреро уринга дўппини кийдиришининг ҳеч иложи бўлмади. Шу сабабли шарқ либосининг ана шу безагини «Ацтек» тўғига кийдиришга тўғри келди. Мен бу тўпдан ҳеч ажралмайман. — Қалай, Пике, баҳсини ютказдингизми? — Ҳамма қатори дўстона ҳазиллашди Энрике Савало. — «Ле презенто а...», таниқингиз — футбол мутахассиси Исоқ Тошмухамедов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренеер.

— Мураббий ҳам, — қўшимча қилди Сава Левинсон, — Ўзбекистон футболчини, унинг энг яхши командаси «Пехтакор»нинг таржима ҳолини яхши билади. Тошкентлик таниқли футболчилар Биродор Абдурайимов, Владимир Фёдоров, Михаил Ан, Олим Аширов каби футболчиларини тарбиялаган...

— Наҳотки, Тошкентдан келган бўлсангиз!.. Қачон келдингиз?.. Мана бунинг янгилик деса бўлади!.. — Азиз Пике. Бу ерга келганимга бир неча кун бўлди, — жавоб берди Исоқ Тошмухамедов. — Аммо сизни топиш

осон эмас экан. Энрикега раҳмат, мучас грациас, у ердим берди.

— О, ҳатто сиз испанча гапиринди ҳам биласизми!.. — Йўқ, фақат бир неча сўзни ўргандим холос. — Унда бўлмасе менга ҳам ўзбекчага ўргатинг.

— Марҳамат: асалому-алайкум, мана бу чопон устидан боғланадиган рўмол эса «қийка», мана бу эса — «дўппи» деб аталади, хурматли «қалампир», сизнинг исмингиз ўзбекча шундай дейилади. Бу бизнинг миллий кийимимизни сизга топширишим «Тошкент оқшоми» газеталари ва Ўзбекистоннинг барча мухлислари илтимос қилишди. Мана мен бу фахрли вазифани бажаряйман...

Шу кунги дўстона суҳбат мавзумимиз гоятда ранг-баранг бўлди. Сўнгра Мексикада ўтган чемпионат, жазирама иссиқ ва баландлик, командаларнинг ҳаракат услуби, матчларга ҳақамлик ҳақида сўз юрди. Шу босқидан мен ўзимнинг янги дўстим билан бўл-

ган суҳбатдаги баъзи диалогларни бу ерда келтиришни лозим топдим.

— Баландлик ва жазирама иссиқ футболчилар ўйинига қай даражада таъсир қилмоқда деб ўйлаёсиз, хурматли Исоқ. Ахир сизларда Урта Осиёда ҳам тоғлар кўп. Шунингдек, йилнинг бу фаслида гоятда иссиқ бўлиши ҳам маълум!

— Албатта, ғайри табиий шарафот футболчилар учун жиддий қийинчиликларни вужудга келтиради. Айниқса европаликлар учун. Бироқ бу назаримда унчалик қўрқинчлик эмас. Кези келганда шуни айтиш керакики, бунинг СССРдаги командаси аёқбойи тарзда исботлади. Яхши ўйин кўрсатиши хоҳлаганлар доимо яхши ўйин кўрсатишди. Иқлим шарафоти бунга баҳона бўлмаслиги керак. Афсуски, терма команданинг сафидида Ўзбекистондан ўйинчилар йўқ.

— Хурматли тошкентлик меҳмон. Энди марҳамат қилиб чемпионатдаги матчларга ҳақамлик ва уларга муносабатингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Қисқаси, Испаниядаги кәби бу ерда ҳам судьялик жезон чемпионатидек мусобақа савиясига тўла жавоб бераётгани йўқ. Австралиялик арбитр К. Бэмбриж Бразилия — Испания матчида Бразилияликлар дарвозасига киритилган тўпни ҳисобламай жиддий хатога йўл қўйди. Айтишларига қараганда у матчлардан четлатилган эмиш. Аммо испанияликлар бундан ўзларини енгил ҳис этишмапти.

Ф. Рот (Португалия — Англия), Э. Сильва (Франция — Канада) ва бошқа арбитрлар учрашувларини пухта ўтказе олмадилар, деб ҳисоблайман. Айрим ҳолларда 11 метрлик жери мө тўплари тайинланмади, бошқа ҳолларда вақтини чўшиш, ўйинчиларнинг жароҳатлангандек сохта ҳаракатларига қарши кураш олиб боришмади. Очигини айтганда, италиялик арбитр Л. Анольини ҳам бизнинг венгерлар билан матчимизга лоқайд судьялик қилди. Учрашув умуман интизомли ўтди. Аммо бир неча марта

судья совет ва венгер футболчиларини ошқора қўполик учун жазолаши мумкин эди... Энди судьялар дадил ҳаракат қилишди, бунинг унутмаслик лозим!

— Жумладан, эзиз Исоқ, ГФР — Уругвай, Мексика — Бельгия, Шотландия — Дания матчларида ҳесоловчанлик В. Христос, аргентиналик К. Эспозито, венгриялик Л. Немот қатъиян ҳақамлик қилдишди. Мисол учун Эспозито мексикаликлардан икки кишига, шу жумладан мухлисларнинг севимли ўйинчиси Уго Санчесга сарик карточка кўрсатди.

Мана энди хайрласак бўлаверди, газетхонларнинг сўнгги Мексика — Бельгия, ГФР — Уругвай ва Шотландия — Дания учрашувларининг натижалари билан таништирдик. Леонда, Франция — СССР матчида учрашгунча хайр.

Асто ла виста! Хай! Сизнинг Пике.

Шахмат

«Дўстлик» матчиға

ХОТИМА «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва «Вечерняя Алма-Ата» газеталарининг шахмат бўйича сиртки матчи ҳақидаги хабарини тўхтаиб қўйганимизга ярим йилдан эиёб вақт ўтди. Бунинг сабаблари бор эди, албатта.

Биринчидан, рақибларимиз — олмаоталиклар ихтисосига етмаган иккинчи учрашувни дурағи билан якунлашни тақлиф қилдилар. Республикамиз пойтахти шахмат ҳақамликларининг айрмалари бу тақлифини қабул қилишмади. Ачча вақт давом этган кескин мунозарада мусобақа низомига кўра ўйин учун ажратилган муддат ихтисосига етганлиги сабабли ҳақамлик ҳаётият ҳар икки томоннинг бир қарорга келганлигини ҳисобга олиб, «Дўстлик» матчининг асосий мақсади амалга ошди деб, иккинчи учрашувни тўхта-тиб қарор қилди.

Редакция сиртки шахмат ўйинида фаол қатнашган шахримизнинг барча шахмат мухлис-ларига аминатдорчилик билди-ради.

Редатор Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

телепрограммалар

9 ИЮНЬ

9.00 «ВРЕМЯ». Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Мексикадан олиб кўрсатилади.

16.00 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар», ГДРдан олиб кўрсатилади.

20.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги. 20.30 «Санинг қизингиз Александрдан ва Жанжалли болалар» телевизион спектакли ҳақида мунозара.

23.25 дан 00.55 гача танлафус. 01.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Канада — СССР терма командалари.

7.15 Ритмик гимнастика. 7.40 «Тангилла» Телерадио. «Салом, кичкинтойлар!»

19.45 «Миллионерлар ленинча университетини. Сийёс ва иқтисодий таълим системасидаги машғулотларнинг якунига доир».

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Абитуриентлар учун. Химия.

10 ИЮНЬ

9.00 «ВРЕМЯ». Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Канада — СССР терма командалари.

16.10 «Узбекистон телевидениеси ва радиоси дўстори қизлар ансамблининг концерти. Тошкентдан олиб кўрсатилади».

19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Николай Шопша куйлайди. Киевдан олиб кўрсатилади.

8.00 Студент ёшлар учун «Ижод ва изланиш». 8.20 «Тонгги тароналар».

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Қизқарли учрашувлар». Мактаб ўқувчиларининг КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи М. Экубова билан учрашуви.

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Қизқарли учрашувлар». Мактаб ўқувчиларининг КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи М. Экубова билан учрашуви.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Абитуриентлар учун. Адабиёт.

11 ИЮНЬ

9.00 «ВРЕМЯ». Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Болгария — Англия терма командалари.

16.35 «Португалия кеча ва бугун». Кинопрограмма. 17.25 «Қора лайлак». Мультифильм.

19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Николай Шопша куйлайди. Киевдан олиб кўрсатилади.

8.00 Студент ёшлар учун «Ижод ва изланиш». 8.20 «Тонгги тароналар».

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Қизқарли учрашувлар». Мактаб ўқувчиларининг КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи М. Экубова билан учрашуви.

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Қизқарли учрашувлар». Мактаб ўқувчиларининг КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи М. Экубова билан учрашуви.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Абитуриентлар учун. Адабиёт.

12 ИЮНЬ

9.00 «ВРЕМЯ». Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Польша — Англия терма командалари.

16.35 «Португалия кеча ва бугун». Кинопрограмма. 17.25 «Қора лайлак». Мультифильм.

19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Николай Шопша куйлайди. Киевдан олиб кўрсатилади.

8.00 Студент ёшлар учун «Ижод ва изланиш». 8.20 «Тонгги тароналар».

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Қизқарли учрашувлар». Мактаб ўқувчиларининг КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи М. Экубова билан учрашуви.

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Қизқарли учрашувлар». Мактаб ўқувчиларининг КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи М. Экубова билан учрашуви.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Абитуриентлар учун. Адабиёт.

13 ИЮНЬ

9.00 «ВРЕМЯ». Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Бразилия — Шимолий Ирландия терма командалари.

16.35 «Португалия кеча ва бугун». Кинопрограмма. 17.25 «Қора лайлак». Мультифильм.

19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Николай Шопша куйлайди. Киевдан олиб кўрсатилади.

8.00 Студент ёшлар учун «Ижод ва изланиш». 8.20 «Тонгги тароналар».

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Қизқарли учрашувлар». Мактаб ўқувчиларининг КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи М. Экубова билан учрашуви.

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Қизқарли учрашувлар». Мактаб ўқувчиларининг КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи М. Экубова билан учрашуви.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Абитуриентлар учун. Адабиёт.

14 ИЮНЬ

9.00 «ВРЕМЯ». Футбол бўйича жаҳон чемпионати. ГФР — Дания терма командалари.

16.35 «Португалия кеча ва бугун». Кинопрограмма. 17.25 «Қора лайлак». Мультифильм.

19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Николай Шопша куйлайди. Киевдан олиб кўрсатилади.

8.00 Студент ёшлар учун «Ижод ва изланиш». 8.20 «Тонгги тароналар».

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Қизқарли учрашувлар». Мактаб ўқувчиларининг КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи М. Экубова билан учрашуви.

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Қизқарли учрашувлар». Мактаб ўқувчиларининг КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи М. Экубова билан учрашуви.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Абитуриентлар учун. Адабиёт.

15 ИЮНЬ

9.00 «ВРЕМЯ». Футбол бўйича жаҳон чемпионати. ГФР — Шотландия терма командалари.

16.35 «Португалия кеча ва бугун». Кинопрограмма. 17.25 «Қора лайлак». Мультифильм.

19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Николай Шопша куйлайди. Киевдан олиб кўрсатилади.

8.00 Студент ёшлар учун «Ижод ва изланиш». 8.20 «Тонгги тароналар».

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Қизқарли учрашувлар». Мактаб ўқувчиларининг КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи М. Экубова билан учрашуви.

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Қизқарли учрашувлар». Мактаб ўқувчиларининг КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи М. Экубова билан учрашуви.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Абитуриентлар учун. Адабиёт.

ТЕАТР
НАВОИЙ НОМИДАГИ 1 УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/VI да 1 Наврӯз, 7/VI да Чо-Чо-Сан. МУҚИМЛИЙ НОМИДАГИ УЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИЙ ТЕАТРИДА — 6/VI да Тошбола ошқини, 7/VI да Шайтон ва муридлар э.

КИНО
6 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «ГУЗАЛЛИК САЛОНИ» — Козоғистон (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92), Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69) 9.

7 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «ГУЗАЛЛИК САЛОНИ» — Козоғистон (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92), Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69) 9.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
6, 7, 8, 13, 14, 15 июндда МОСКВА «МУЗ УСТИДА» ЦИРК КОЛЛЕКТИВИНИНГ ХАВРАЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

7 ИЮНЬ — ШАНВА 1 КУНИ
ОҚАТИРИЛГАН ХОМСУРПДАН ТИКИЛГАН 1 КОМИПЛАРИНИНГ САВДО-КЎРГАЗМАСИ УТКАЗИЛАДИ

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА
(3-қаватда)
7 ИЮНЬ — ШАНВА 1 КУНИ
ОҚАТИРИЛГАН ХОМСУРПДАН ТИКИЛГАН 1 КОМИПЛАРИНИНГ САВДО-КЎРГАЗМАСИ УТКАЗИЛАДИ

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА
(3-қаватда)
7 ИЮНЬ — ШАНВА 1 КУНИ
ОҚАТИРИЛГАН ХОМСУРПДАН ТИКИЛГАН 1 КОМИПЛАРИНИНГ САВДО-КЎРГАЗМАСИ УТКАЗИЛАДИ

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА
(3-қаватда)
7 ИЮНЬ — ШАНВА 1 КУНИ
ОҚАТИРИЛГАН ХОМСУРПДАН ТИКИЛГАН 1 КОМИПЛАРИНИНГ САВДО-КЎРГАЗМАСИ УТКАЗИЛАДИ

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА
(3-қаватда)
7 ИЮНЬ — ШАНВА 1 КУНИ
ОҚАТИРИЛГАН ХОМСУРПДАН ТИКИЛГАН 1 КОМИПЛАРИНИНГ САВДО-КЎРГАЗМАСИ УТКАЗИЛАДИ

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА
(3-қаватда)
7 ИЮНЬ — ШАНВА 1 КУНИ
ОҚАТИРИЛГАН ХОМСУРПДАН ТИКИЛГАН 1 КОМИПЛАРИНИНГ САВДО-КЎРГАЗМАСИ УТКАЗИЛАДИ

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА
(3-қаватда)
7 ИЮНЬ — ШАНВА 1 КУНИ
ОҚАТИРИЛГАН ХОМСУРПДАН ТИКИЛГАН 1 КОМИПЛАРИНИНГ САВДО-КЎРГАЗМАСИ УТКАЗИЛАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет кўрилиши — 332-55, 37, 32-53-83; сановат ва нурилиш — 32-57-84; шахар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-99, 32-55-32; хатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-5-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.